

هَدِيَّة
HÄDIYAN



Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозининг кайфи

كيفية صلاة النبي صلى الله عليه وسلم

Ўзбек

أوزبكي



Муаллиф

Шайх Абдулазиз ибн Боз
раҳимаҳуллоҳ

ح) جمعية خدمة المحتوى الإسلامي باللغات ، ١٤٤٦هـ

بن باز ، عبدالعزيز
كيفية صلاة النبي ؟ - أوزبكي. / عبدالعزيز بن باز - ط١. -
الرياض ، ١٤٤٦هـ
٢٣ ص ؛ ..سم

رقم الإيداع: ١٤٤٦/١١٦٧٤
ردمك: ٩٧٨-٦٠٣-٨٥١٧-٠١-٧

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозининг кайфияти

Муаллиф

Шайх Абдулазиз ибн Боз

раҳимаҳуллоҳ

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Яккаю ягона Аллоҳга ҳамду санолар, Унинг бандаси ва расули Пайғамбаримиз Муҳаммадга, унинг оиласига ва саҳобаларига салавоту саломлар бўлсин.

Аммо баъд:

Ушбу рисола Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам намози қандай бўлганлигининг қисқача баёнидир. Ҳар бир киши у билан танишиб, эргашишга ҳаракат қилсин, дея барча мусулмон ва муслималарга уни тақдим қилишни хоҳладим. Зеро Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Менинг намоз ўқиётганимни кўрганларингдек намоз ўқинглар!», деганлар¹.

Бу намознинг тафсилоти қуйидагичадир:

¹ Бухорий, Азон китоби (605); Доримий, Намоз китоби (1253).

Мукаммал таҳорат

1. Мукаммал таҳорат қилмоқ. Намозхон Аллоҳтаоло буюрганидек: «Эй мўминлар, намоз ўқимоқчи бўлганингизда юзларингизни ҳамда қўлларингизни чиғаноқлари билан ювингиз, бошларингизга масҳ тортингиз ва оёқларингизни тўпиқлари билан ювингиз!»¹, деган сўзига ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Таҳоратсиз намоз қабул қилинмайди»², деган сўзларига амал қилган ҳолда мукаммал таҳорат олади.

Қиблага юзланмоқ

2. Бутун вужуди билан қибла, яъни Каъба томонга юзланиб, ўқимоқчи бўлган фарз ёки нафл намозини қалбидан ният қилади. Ниятни тили билан талаффуз қилмайди, чунки ниятни тил билан нутқ қилиш ножоиздир. Чунки Пайғамбар соллаллоҳу

¹ Моида сураси, 6.

² Муслим, Таҳорат китоби (224); Термизий, Таҳарот китоби (1); Ибн Можа, Таҳорат ва унинг суннатлари (272); Аҳмад (2/73).

алайҳи ва саллам ҳам, саҳобалари разияллоҳу анҳумлар ҳам бундай қилмаганлар.

Намозхон имом бўлиб ёки бир ўзи ўқимоқчи бўлса, олди томонига сутра қўйиб олади ва унга қараб намоз ўқийди.

Қиблага юзланмоқ, намознинг битта шартидир. Аҳли илмларнинг китобларида (яъни фикҳ китобларида) баён қилинган муайян истисно ҳолатларидагина қибла шартлик даражасидан тушади.

Такбири таҳрима, такбир айтиб қўлларни кўтармоқ ва қўлларни кўкрак устига қўймоқ

3. Такбири таҳримада (намозни бошловчи такбирда) нигоҳни сажда ўрнига қаратган ҳолатда «Аллоҳу акбар», дейди.

4. Такбир айтаркан қўлларини елка баробарида ёки қулоқларининг рўпарасигача кўтаради.

5. Қўлларини кўкрак устига қўяди. Бунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ворид бўлганига биноан, ўнг қўлини чап

кафтининг ёки билак узук соҳасининг ёки
билагининг устига қўйиб туради.

Истифтоҳ дуоси

6. Истифтоҳ дуосини (яъни намозни
очувчи дуони) ўқиши суннатдир:

«اللَّهُمَّ بَاعِدْ بَيْنِي وَبَيْنَ خَطَايَايَ، كَمَا بَاعَدْتَ بَيْنَ الْمَشْرِقِ
وَالْمَغْرِبِ، اللَّهُمَّ نَقِّنِي مِنَ الْخَطَايَا كَمَا يُنَقَّى الثَّوْبُ الْأَبْيَضُ مِنَ
الدَّنَسِ، اللَّهُمَّ اغْسِلْ خَطَايَايَ بِالْمَاءِ وَالثَّلْجِ وَالْبَرَدِ».

«Аллоҳумма баъид байний ва байна
хатойайаа, кама баъадта байнал-машриқи
вал-мағриб. Аллоҳумма наққини минал-
хатоя камаа юнаққос-савбул-абйаду минад-
данас. Аллоҳуммағсил хатойайаа бил-маи
вас-салжи вал-барод».

Маъноси: «Аллоҳим, мен билан хатоларим
ўртасини машриқ билан мағрибнинг ўртасини
йироқ қилганингдек узоқ қилгин. Аллоҳим, мени
хатоларимдан худди оппоқ либос кирлардан
поклангандек пок қилгин. Аллоҳим, мени

хатоларимдан қор, сув ва дўл билан ювгин-поклагин».¹

Истаса бунинг ўрнига қуйидаги дуони ўқийди:

«سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ، وَتَبَارَكَ اسْمُكَ، وَتَعَالَى جَدُّكَ،
وَلَا إِلَهَ غَيْرُكَ».

«Субҳаанакаллоҳумма ва биҳамдика ва табаарокасмуқ ва таъалаа жаддук ва лаа илааҳа ғойрук».

Маъноси: «Аллоҳим, Сен айбу нуқсонлардан поксан. Сенинг ҳамдинг билан тасбеҳ айтдим. Сенинг исминг баракотли, улуғлигинг олий бўлди ва Сендан ўзга барҳақ илоҳ йўқдир».²

Булардан ташқари Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ворид бўлган бошқа

¹ Бухорий, Азон китоби (711); Муслим, Масжидлар ва намоз ўринлари боби (598).

² Абу Довуд, Намоз (781); Насоий, ал-Ифтиҳоқ боби (895); Ибн Можа, Намозни қоим қилиш ва ундаги суннат боби (805); Аҳмад (2/231) ва Доримий, Намоз китоби (1244).

истифтоҳ дуоларини ўқиса ҳам бўлаверади. Баъзан буни, баъзан уни ўқиши афзал, зеро бу комил эргашишликдир.

Сўнгра «Аъзу биллаҳи минаш шайтонир рожийм, бисмиллаҳир роҳманир роҳийм»¹, дейди ва Фотиҳа сурасини ўқийди. Зеро Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Фотиҳатул китобни (яъни Фотиҳа сурасини) ўқимаган кишининг намози намоз эмас», деганлар.² Фотиҳа сурасининг охирида жаҳрий намоз бўлса жаҳрий, сиррий намоз бўлса ичида «Омийн», дейди. Сўнгра Қуръондан билганини ўқийди. Қироатда афзал бўлгани, бу борада ворид бўлган ҳадисларга биноан, пешин, аср ва

¹ Маъноси: «Қувилган шайтоннинг шарридан Оллоҳдан паноҳ сўрайман, меҳрибон ва раҳмли Оллоҳнинг номи билан бошлайман».

² Бухорий, Азон китоби (723); Муслим, Намоз боби (394); Термизий, Намоз китоби (247); Насоий, ал-Ифтиҳо боби (911); Абу Довуд, Намоз (822); Ибн Можа, Намозни қоим қилиш ва ундаги суннат боби (837); Аҳмад (5/316) ва Доримий, Намоз китоби (1242).

хуфтон намозларида ўрта ҳажмдаги муфассал¹ суралардан, бомдодда узун муфассал² суралардан, шомда баъзан узун, баъзан қисқа муфассал³ суралардан ўқийди.

Рукуъ қилмоқ, рукуъдан турмоқ ва рукуъга тааллуқли нарсалар

7. Такбир айтиб, қўлларини елка ёки қулоқ баробарида кўтариб рукуъга боради. Рукуъда қўлларини тиззаларига бармоқ ораларини очган ҳолда қўяди ва бошини орқаси билан бир хил текисликда тутеди. Рукуъда хотиржам туриб, «Субҳана роббиял

¹ Муфассал — қисмларга ажралган деб аталишига сабаб, бир сура билан иккинчи сура ораси яқин бўлгани ва басмала билан ажралгани ҳамда оятлари қисқа-қисқа бўлгани учундир. Ҳанафий мазҳабига кўра, ўрта ҳажмдаги муфассал суралар Буруж сурасидан Баййина сурасигачадир. (Таржимон)

² Ҳанафий мазҳабига кўра, узун муфассал суралар Ҳужурот сурасидан Буруж сурасигачадир. (Таржимон)

³ Ҳанафий мазҳабига кўра, қисқа муфассал суралар Залзала сурасидан ан-Нас сурасигачадир. (Таржимон)

ъазийм»¹, дейди. Бу зикрни уч марта ёки кўпроқ айтиш афзалдир.

Бу билан бирга қуйидаги дуони айтиш мустаҳабдир:

«سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ، اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي».

«Субҳаанакаллоҳумма ва бихамдика, Аллоҳуммагъфир лии».

Маъноси: «Аллоҳим, Сен айбу нуқсонлардан поксан. Эй Раббимиз, Сенинг ҳидоятинг ила тасбеҳ айтдим. Аллоҳим, мени мағфират қилгин».²

8. Рукуъдан «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ»³, деб қўлларини елка ёки қулоқ

¹ Маъноси: «Улуғ Роббим айбу нуқсонлардан покдир».

² Бухорий, Қуръон тафсири китоби (4683); Муслим, Намоз боби (484); Насоий, ат-Татбиқ боби (1122); Абу Довуд, Намоз (877); Ибн Можа, Намозни қоим қилиш ва ундаги суннат боби (889).

³ Маъноси: «Аллоҳ Ўзига ҳамд айтувчининг ҳамдини эшитди, қабул қилди». Бухорий, Азон китоби (657);

баробарида кўтариб, бошини кўтаради. Мазкур зикрни имомлик қилганда ёки якка ўзи ўқиганда айтади.

Рукуъдан тургандан кейин ушбу дуони айтади:

«رَبَّنَا وَلَكَ الْحَمْدُ حَمْدًا كَثِيرًا طَيِّبًا مُبَارَكًا فِيهِ مِلْءَ السَّمَوَاتِ
وَمِلْءَ الْأَرْضِ، وَمِلْءَ مَا شِئْتَ مِنْ شَيْءٍ بَعْدُ».

«Раббана ва лакал-хамд, ҳамдан касийрон тиййибан мубаарокан фийҳи, милаъс-самааваати ва милаъл-арди, ва милъа маа шиъта мин шайъин баъд».

Маъноси: «Эй Раббимиз, Сенга кўп, ҳақиқий-риёсиз, муборак-хайрлилиги мўл ҳамд бўлсин. Осмонлару Ер ва улар ўртасидаги

Муслим, Намоз боби (411); Термизий, Намоз китоби (247); Насоий, Имомлик боби (832); Абу Довуд, Намоз (601); Ибн Можа, Намозни қоим қилиш ва ундаги суннат боби (1238); Молик, Намозга чорлаш боби (306) ва Доримий, Намоз китоби (1256).

нарсалар миқдорича, яна Ўзинг хоҳлаган нарса миқдорича ҳамд бўлсин».¹

Муқтадий (имомга иқтидо қилувчи)лар рукуъдан турганда фақат юқорида зикри ўтган «Роббана ва лакал ҳамд» деб бошланган дуони охиригача ўқийди. Яъни «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ»ни айтмайди.

Агар имом, муқтадий ва бир ўзи ўқиётган кишининг ҳар бири қуйидаги дуони ҳам айтсалар, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ворид бўлгани учун янада яхши бўлади:

«أَهْلَ الشَّاءِ وَالْمَجْدِ، أَحَقُّ مَا قَالَ الْعَبْدُ، وَكُنَّا لَكَ عَبْدًا: اللَّهُمَّ
لَا مَانِعَ لِمَا أُعْطِيتَ، وَلَا مُعْطِي لِمَا مَنَعْتَ، وَلَا يَنْفَعُ ذَا الْجَدِّ مِنْكَ
الْجَدُّ».

¹ Муслим, Мусофир намози ва намоздаги қаср боби (771); Термизий, Даъватлар китоби (3423); Абу Довуд, Намоз (760); Аҳмад (1/103).

«Аҳлас-санаи вал-мажд, аҳаққу маа қолал-ъабд, ва куллуна лака ъабд. Аллоҳумма, ла мааниъа лима аътайта, ва ла муътийа лима манаъта, ва ла янфаъу зал-жадди минкал-жадд».

Маъноси: «Мақтов ва улуғлик соҳибсан. Қулинг айтган нарсага энг ҳақли Зотсан. Барчамиз Сенга қулмиз. Аллоҳим, Сен берган нарсани тўсувчи, Сен тўсган нарсани берувчи йўқдир. Сенинг олдингда улуғлик эгасига улуғлиги фойда беролмас».¹

Воил ибн Ҳужр ва Саҳл ибн Саъд разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадиснинг далолатига кўра, намозхон рукуъдан турганида худди рукуъдан олдин қўлларини кўкрак устига қўйиб турганидек, кўкрак устига қўйиб туриши мустаҳабдир.

¹ Муслим, Намоз боби (488); Насоий, ат-Татбиқ боби (1068); Абу Довуд, Намоз (848); Аҳмад (3/87); Доримий, Намоз китоби (1313).

Сажда қилмоқ, саждадан турмоқ ва саждага тааллуқли нарсалар

9. Такбир айтиб саждага боради. Бунда имкони бўлса, қўлларида олдин тиззаларини ерга қўяди. Агар бу машаққат туғдирса, биринчи қўллари ерга қўяди. Саждада қўл ва оёқ бармоқлари қиблага қараган, қўл бармоқлари бирлаштирилган ва ёзилган ҳолатда бўлади. Етти аъзо: пешона билан бурун, икки қўл кафти, икки тизза ва икки оёқ бармоқларининг ички юзаси билан сажда қилиб «Субҳана роббиял аъло», дейди. Бу зикрни уч марта ва кўпроқ айтиши суннатдир. Бу зикр билан бирга қуйидаги дуони айтиши мустаҳаб саналади:

«سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ، اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي».

«Субҳанакал-лоҳумма ва бихамдика,
аллоҳуммағфир лии».

Маъноси: «Аллоҳим, Сен айбу
нуқсонлардан поксан. Эй Раббимиз, Сенинг

ҳидоятинг ила тасбеҳ айтдим. Аллоҳим, мени мағфират қилгин».¹

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу сўзларига кўра, саждада кўп дуо қилинади: «Рукуъда Аллоҳни улуғланглар, саждада эса кўпроқ дуо қилишга ҳаракат қилинглар, зеро сажда ҳолати сиз учун ижобат қилинишга энг муносиб ўриндир».² Хоҳ фарз, хоҳ нафл намози бўлсин, саждада Аллоҳдан дунёю охират яхшиликларини сўрайверади.

Саждада турганда тирсакларини ёнларидан, қорнини сонларидан, сонларини тиззаларидан узоқлаштиради ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу сўзларига биноан тирсакларини ердан кўтаради: «Саждада мўътадил туринглар. Сизлардан бирингиз

¹ Бухорий, Азон китоби (761); Муслим, Намоз боби (484); Насоий, ат-Татбиқ боби (1122); Абу Довуд, Намоз (877); Ибн Можа, Намозни қоим қилиш ва ундаги суннат боби (889); Аҳмад (6/43).

² Муслим, Намоз боби (479); Насоий, ат-Татбиқ боби (1120); Абу Довуд, Намоз (876); Аҳмад (1/219); Доримий, Намоз китоби (1325).

билакларини итнинг чўзиб ўтиришидек (ерга) тўшаб олмасин!». ¹

Икки сажда орасида ўтирмоқ ва унинг кайфияти

10. Саждадан такбир айтиб бошини кўтаради ва чап оёғини тўшаб, устига ўтиради, ўнг оёғини эса тик қилиб, қўлларини сонлари ва тиззалари устига қўйиб хотиржам ўтиради ва қўйидаги дуони айтади:

«رَبِّ اغْفِرْ لِي وَارْحَمْنِي وَاهْدِنِي وارْزُقْنِي وَعَافِنِي واجْبُرْنِي».

«Роббиғфир лий, варҳамний, важбурний, ваҳдиний, варзуқний, ва ғаафиний».

Маъноси: «Аллоҳим, мени мағфират эт, менга раҳм қил, мени ҳидоят қил, менга ризқ бер, мени ўнгла ва офият (соғлик) ато эт». ²

¹ Бухорий, Азон китоби (788); Муслим, Намоз боби (493); Аҳмад (3/192).

² Термизий, Намоз китоби (284); Абу Довуд, Намоз (850); Ибн Можа, Намозни қоим қилиш ва ундаги суннат боби (898).

11. Такбир айтиб иккинчи саждага боради ва биринчи саждада қилган амалларини такрорлайди.

12. Яна такбир айтиб саждадан бошини кўтаради ва икки сажда орасида ўтиргани каби бироз ўтиради. Бунга «жалсатул истироҳа»¹ дейилиб, мустаҳаб амалдир. Бун қилмаса ҳам зарари йўқ. Бу ўтиришда зикр ҳам, дуо ҳам йўқдир. Сўнгра ўзига қулай бўлса, тиззаларига таяниб, агар ноқулай бўлса, ерга таяниб иккинчи ракаатга туради. Сўнгра Фотиҳа сурасини ва ундан кейин Қуръондан ўзига осон бўлган бирор сурани ўқийди. Кейин эса биринчи ракаатда қилганларини қилади.

Икки ракаатлик намозда ташаҳхуд учун ўтирмоқ ва унинг кайфияти

13. Агар намоз бомдод, жумъа, икки ҳайит намози сингари икки ракаатлик бўлса, иккинчи саждадан бошини кўтариб ўнг

¹ Дам олиш, хордиқ чиқариш ўтириши, дегани.

оёғини тик қилиб чап оёғини тўшаб устига ўтиради. Ўнг қўлини ўнг сони устига қўйиб, кўрсаткич бармоғидан бошқаларини йиғиб (яъни мушт қилиб), кўрсаткич бармоғини кўтариб Аллоҳнинг якка эканига ишора қилади. Ёки жимжилоқ ва номсиз бармоқни йиғиб, бош ва ўрта бармоқларини ҳалқа қилиб, кўрсаткич бармоқ билан ишора қилади. Зеро бу икки сифат ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан собит бўлган. Гоҳида бундай, гоҳида ундай қилиши эса афзалдир. Чап қўлини эса, чап сони ва тиззасининг устига қўяди.

Мазкур ҳолатда ўтириб, ташаҳҳудни ўқийди:

«التَّحِيَّاتُ لِلَّهِ وَالصَّلَوَاتُ وَالطَّيِّبَاتُ، السَّلَامُ عَلَيْكَ أَيُّهَا النَّبِيُّ وَرَحْمَةُ اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ، السَّلَامُ عَلَيْنَا وَعَلَى عِبَادِ اللَّهِ الصَّالِحِينَ، أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ».

«Аттаҳиййату лиллаҳи вас-солавату ват-тоййибаат. Ассалааму ʔалайка аййуҳан-набиййу ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳ.

Ассалааму ʔалайнаа ва ʔала ʔибадиллоҳис-солиҳийн. Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан ʔабдуҳу ва росулуҳ».

Маъноси: «Саломлар, намозлар ва тоййиба-покиза сўзу амаллар Аллоҳ учундир. Эй Набий, сизга Аллоҳнинг саломи, раҳмати ва баракотлари бўлсин. Бизга ҳамда Аллоҳнинг солиҳ бандаларига салом бўлсин. Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга ҳақ маъбуд йўқ ва Муҳаммад Унинг бандаси ҳамда расулидир».

Сўнгра ушбу салавотни ўқийди:

«اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ، كَمَا صَلَّيْتَ عَلَى
إِبْرَاهِيمَ وَعَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ؛ إِنَّكَ حَمِيدٌ مَجِيدٌ، وَبَارِكْ عَلَى مُحَمَّدٍ
وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ، كَمَا بَارَكْتَ عَلَى إِبْرَاهِيمَ وَعَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ؛ إِنَّكَ
حَمِيدٌ مَجِيدٌ».

«Аллоҳумма солли ʔала Муҳаммадин ва ʔала аали Муҳаммад, камаа соллайта ʔала Иброҳим ва ʔала аали Иброҳим. Иннака

Ҳамидум Мажид. Ва баарик ъала
Муҳаммадин ва ъала аали Муҳаммад, камаа
баарокта ъала Иброҳим ва ъала аали
Иброҳим. Иннака Ҳамидум Мажид»

Маъноси: «Аллоҳим, Иброҳимга ва унинг
оиласига раҳмат этганинг каби Муҳаммадга ва
унинг оиласи-умматига ҳам раҳм қил. Албатта
Сен мақтовли ва улуғ Зотсан. Аллоҳим,
Иброҳимга ва унинг оиласига баракот-хайр ато
этганингдек Муҳаммадга ва унинг оиласи-
умматига ҳам баракот-хайр ато эт. Албатта Сен
мақтовли ва улуғ Зотсан».¹

Кейин тўрт нарсадан Аллоҳдан паноҳ
тилайди:

¹ Бухорий, Азон китоби (797); Муслим, Намоз боби (402);
Термизий, Никоҳ боби (1105); Насоий, Саҳв боби (1298);
Абу Довуд, Намоз (968); Ибн Можа, Намозни қоим қилиш
ва ундаги суннат боби (899); Аҳмад (1/428); Доримий,
Намоз китоби (1340).

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ عَذَابِ جَهَنَّمَ، وَمِنْ عَذَابِ الْقَبْرِ،
وَمِنْ فِتْنَةِ الْمَحْيَا وَالْمَمَاتِ، وَمِنْ شَرِّ فِتْنَةِ الْمَسِيحِ الدَّجَالِ».

«Аллоҳумма инни аъузу бика мин ъзаби Жаҳаннама, ва мин ъзабил қабр, ва мин фитнатил маҳйа валмамаат, ва мин шарри фитнатил масиҳид-дажжаал».

Маъноси: «Аллоҳим, мен Сендан қабр азобидан, жаҳаннам азобидан, тириклик ва ўлим фитнасидан ҳамда масиҳи Дажжол фитнасининг ёмонлигидан паноҳ беришингни сўрайман».¹

Сўнгра дунёю охират яхшиликларидан истаганини сўрайди. Ота-онасининг ёки бошқа мусулмонларнинг ҳаққига дуо қилишининг зарари йўқ. Фарз намози бўлса ҳам, нафл бўлса ҳам фарқи йўқ. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Ибн

¹ Бухорий, Жанозалар китоби (1311); Муслим, Масжидлар ва намоз ўринлари боби (588); Термизий, Даъватлар боби (3604); Насойи, Паноҳ сўраш боби (5513); Абу Довуд, Намоз (983); Ибн Можа, Намозни қоим қилиш ва ундаги суннат боби (909); Аҳмад (2/454); Доримий, Намоз китоби (1344).

Масъудга ташахҳудни ўргатганлиги ҳақидаги ҳадисда, «сўнгра ўзига ёққан дуони танлаб дуо қилаверади», ҳадиснинг бошқа бир лафзида эса, «сўнгра хоҳлаган тилагини тилайверади», дейилган умумийликка кўра, киши дунё ва охиратга тааллуқли барча нарсани сўраши мумкиндир.

Сўнгра ўнг ва чап томонига «Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳ», «Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳ», деб салом беради.

Уч ва тўрт ракаатлик намозларда ташахҳуд учун ўтирмоқ ва унинг кайфияти

14. Агар намоз шом каби уч, пешин, аср ва хуфтон каби тўрт ракаатлик намоз бўлса, икки ракаатдан кейин ташахҳудга ўтириб, мазкур ташахҳуд ва салаотни ўқийди. Сўнгра икки тиззасига таяниб, такбир айтиб, қўлларини елка ёки қулоқ баробарида кўтариб ўрнидан туради ва юқорида ўтганидай қўлларини кўкрак устига қўяди. Фотиҳа сурасининг ўзини ўқийди, пешиннинг учинчи ва тўртинчи ракаатида

баъзан Фотиҳадан кейин бирор сурани ўқиса, зарари йўқдир. Зеро Абу Саид разияллоҳу анҳу ривоят қилган Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан келган ҳадис бунга далил бўлади. Сўнгра шом намозида учинчи, пешин, аср ва хуфтон намозида тўртинчи ракаатда худди икки ракаатлик намоздаги сингари ташахҳуд ўқийди. Сўнгра икки томонига салом бериб, уч марта «астағфируллоҳ», дейди ва шуни ўқийди:

«اللَّهُمَّ أَنْتَ السَّلَامُ وَمِنْكَ السَّلَامُ، تَبَارَكْتَ يَا ذَا الْجَلَالِ

وَالْإِكْرَامِ».

«Аллоҳумма антас-салам ва минкас-салам, табаарокта яаа заль-жалаали вал-икроом».

Маъноси: «Аллоҳим, Сен Саломдирсан. Салом Сендандир. (Яъни, саломатлик фақат Сен томонингдан). Эй улуғлик ва икром соҳиби, Сен айбу нуқсондан пок ва

муқаддасдирсан».¹ Агар имомлик қилган бўлса, жамоатга ўгирилишидан олдин ўқийди. Сўнгра қуйидаги дуони айтади:

«لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْمُلْكُ، وَلَهُ الْحَمْدُ، وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ، لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ، اللَّهُمَّ لَا مَانِعَ لِمَا أَعْطَيْتَ، وَلَا مُعْطِيٍّ لِمَا مَنَعْتَ، وَلَا يَنْفَعُ ذَا الْجَدِّ مِنْكَ الْجَدُّ، لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَلَا نَعْبُدُ إِلَّا إِيَّاهُ، لَهُ النِّعْمَةُ وَلَهُ الْفَضْلُ، وَلَهُ الشَّانُ الْحَسَنُ، لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ وَلَوْ كَرِهَ الْكَافِرُونَ».

«Лаа илааҳа иллаллоҳу, ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳ, лаҳул-мулку ва лаҳул-ҳамду ва ҳува ʔалаа кулли шайʔин қадийр. Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллааҳ. Аллоҳумма лаа мааниʔа лимаа аʔтойта ва лаа муʔтия лимаа манаʔта, ва лаа янфаʔу заль-жадди минкал-жадд. Ла илаҳа иллаллоҳ, ва лаа наʔбуду иллаа иййааҳу, лаҳун-ниʔмату ва лаҳул-

¹ Муслим, Масжидлар ва намоз ўринлари боби (591); Термизий, Намоз боби (300); Абу Довуд, Намоз (1512); Ибн Можа, Намозни қоим қилиш ва ундаги суннат боби (928); Аҳмад (5/280); Доримий, Намоз китоби (1348).

фазлу ва лаҳус-санаул-ҳасан. Лаа илааҳа
иллаллоҳу мухлисийна лаҳуд-дийн ва лау
кариҳал-каафируун».

Маъноси: «Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ. У
ёлғиз ва шериксиз зотдир. Мулк ҳам, ҳамд ҳам
Уникидир. У барча нарсага қодирдир.
Аллоҳим, Сен берган нарсани тўсувчи, Сен
тўсган нарсани берувчи йўқ. Сенинг ҳузурингда
улуғлик-бойлик эгасига улуғлиги-бойлиги
фойда бермайди. Ҳаракат ва қувват ёлғиз
Аллоҳ мадади биландир. Аллоҳдан ўзга ҳақ
илоҳ йўқ. Биз фақат Унгагина ибодат қиламиз.
Неъмат ҳам, фазл ҳам, гўзал ҳамду сано ҳам
Уникидир. Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ. Гарчи
кофирлар ёмон кўрсалар-да динни У учун
холис қилувчилармиз».¹

Ҳар намоздан кейин Пайғамбар соллаллоҳу
алайҳи ва салламдан ворид бўлган ҳадисларга
асосланиб, 33 марта «субҳаналлоҳ», 33 марта

¹ Бухорий, Азон китоби (808); Муслим, Масжидлар ва
намоз ўринлари боби (593); Насоий, Саҳв боби (1341); Абу
Довуд, Намоз (1505); Аҳмад (4/250); Доримий, Намоз
китоби (1349).

«алҳамдулиллаҳ», 33 марта «Аллоҳу акбар» ва юзинчисида «лаа илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарика лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува аъла кулли шайин қодир»¹, дейди. Сўнгра «Оятал курси», «Қул ҳу валлоҳу аҳад», «Қул аъзу би роббил фалақ» ва «Қул аъувзу би роббин нас»ни ўқийди. Учта «Қул» билан бошланган ушбу сураларни бомдод ва шом намозидан кейин уч мартадан ўқийди.

Ушбу зикрлар фарз эмас, суннатдир.

Ҳар бир мусулмон ва муслима учун пешин намози (нинг фарзи)дан олдин тўрт ракаат, пешиндан кейин икки ракаат, шом ва хуфтон намозларидан кейин икки ракаат ва бомдод намозидан олдин икки ракаат, жами ўн икки ракаат нафл намоз ўқиши суннатдир. Бу 12 ракаат намоз ротиба суннат намозлари деб аталиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам муқимликларида мунтазам ўқир эдилар. Аммо сафарда бўлганларида уларни ўқимас,

¹ Маъноси: «Оллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ. У ёлғиз ҳам шериксиз зотдир. Мулк ҳам, ҳамд ҳам Уникидир. У барча нарсага қодир».

фақатгина бомдоддан олдинги икки ракаатни ва витр намозини ўқир эдилар. Бомдоддан олдинги икки ракаатни ва витр намозини муқимликда ҳам, сафарда ҳам ўқирдилар.

Мазкур ротиба суннатларни ва витр намозини уйда ўқимоқ афзал, масжидда ўқишликнинг эса зарари йўқдир. Зеро Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кишининг фарз намозларидан ташқари энг афзал намози уйда ўқиган намозидир», деганлар.¹

Бу 12 ракаатни мунтазам ўқиб юриш Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу сўзларига биноан Жаннатга кириш сабабларидандир: «Ким бир кеча ва кундузда ўн икки ракаат нафл намози ўқиса, Аллоҳ унга Жаннатда бир уй бунёд қилади».²

¹ Бухорий, Адаб (57262); Муслим, Мусофирлар намози ва намозда қаср боби (781); Термизий, Намоз боби (450); Насоий, Тунги намоз ва кундуздаги нафл намози боби (1599); Абу Довуд, Намоз (1447); Молик, Намозга чорлаш боби (293); Доримий, Намоз китоби (1366).

² Муслим, Мусофирлар намози ва намозда қаср боби (728); Термизий, Намоз боби (415); Насоий, Тунги намоз ва

Аср намозидан олдин тўрт ракаат, шом ва хуфтондан олдин икки ракаат нафл намози ўқиса, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бунга далолат қилувчи ривоятлар саҳиҳ бўлиб келган учун, яхши бўлади.

Тавфиқ Аллоҳдандир. Пайғамбаримиз Муҳаммад ибн Абудуллоҳга, У кишининг оиласи, саҳобалари ва то қиёматгача У зотга эргашганларга Аллоҳнинг салавоту саломлари бўлсин.

кундуздаги нафл намози боби (1801); Абу Довуд, Намоз (1250); Намозни қоим қилиш ва ундаги суннат боби (1141); Аҳмад (2/327).

هدية
HÄDIYAH



The Encyclopedia of Ar-Rahman's Guests

Selected material for Pilgrims and Um-rah teaching it
in languages of the world.



978-603-8517-01-7